XALQ DEPUTATLARI SERGELI TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 6 - yanvar II-76-2-14-201-K/23 Sergeli tuman hokimligi

Сергели туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2023 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-659-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда 2023 йилда Сергели туманидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини киритиш ва қўллаш мақсадида, халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-659-сонли Қонунига мувофиқ Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддаларига киритилган ўзгаришларни инобатга олиб, туман давлат солиқ инспекциясининг 2023 йил учун Сергели туман бўйича юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентлар юзасидан

киритилган таклифи маъқуллансин.

2. Қарорга биноан 2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиблар жорий этилсин:

а) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентлар 1-иловага мувофиқ;

б) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда 1 кв. метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан қўлланиладиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Сергели туман давлат солиқ инспекцияси (Х.Косимов)га:

Сергели туман давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджет даромадлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ захираларини аниқлаш ва солиққа тортиш ҳамда туманни иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида зарурий чора-тадбирлар кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан халқ депутатлари Сергели туман Кенгашига ҳар чорак якуни бўйича маълумот киритиб борсин.

4. Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Р.Бахритдинов, туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари А.Жумабоев, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Косимов, тумандаги тегишли округлардан сайланган депутатлар ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун маҳалла кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ва қўллаш тартиби жорий этилганлигини кенг тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларни олиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Сергели туман ҳокимлиги ва туман давлат солиқ инспекцияси мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари бўйича белгиланган ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни туман ҳокимлиги веб-сайти, оммавий ахборот воситалари, газета ва ижтимоий тармоқларда ёритилишини таъминласинлар.

6. Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг 2021 йил 24 декабрдаги “Сергели туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-59-99-14-201-K/21-сонли қарори 2023 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор 2023 йил 1 январдан кучга киради.

8. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Р.Бахритдинов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Э.Шукуров**

Xalq deputatlari Sergeli tuman
Kengashining
2023 yil 6 yanvardagi
II-76-2-14-201-K/23-son
qaroriga
1-ilova

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган коэффициентлар

Тр	Маҳалла номи	Зона	2023 йил учун қўлланиладиган коэффициент миқдори
1	Асробод	5	1.1
2	Бирдамлик	5	1.1
3	Бунёдобод	4	1.1
4	Дарёбўйи	5	1.1
5	Эшонбулоқ (собиқ Соҳибкор)	5	1.1
6	Эски жалоир (собиқ Жалоир)	5	1.1
7	Эзгулик	4	1.1
8	Фароғатли (собиқ Хонобод)	5	1.1
9	Иттифок	4	1.1
10	Иззатли (собиқ Нурафшон)	5	1.1
11	Жўнариқ	4	1.1
12	Кенгмакон (собиқ Истиқлол)	5	1.1
13	Кўҳна қумариқ (собиқ Қумариқ)	5	1.1
14	Мададкор	4	1.1
15	Маданият	5	1.1
17	Меҳригиё	4	1.1
18	Нилуфар	4	1.1
19	Нўғайқўрғон	4	1.1
20	Номданак	5	1.1
21	Нурҳаёт	4	1.1
22	Олтин Водий	4	1.1
23	Ўзгариш	4	1.1
24	Қипчоқ	4	1.1
25	Қўшқўрғон	5	1.1
26	Қубайтепа	4	1.1
27	Қумариқ	5	1.1
28	Курувчилар	5	1.1
29	Қут-барака (собиқ Беларик)	4	1.1
30	Садоқат (собиқ Қушбеги)	5	1.1

31	Саховат	5	1.1
32	Софдил	4	1.1
33	Сохибқирон	4	1.1
34	Сўғдиёна	4	1.1
35	Султонобод (собиқ Қорасув)	5	1.1
36	Учувчилар	4	1.1
37	Хабибий	4	1.1
38	Халқабод	5	1.1
39	Хонобод	5	1.1
40	Хоноботепа	5	1.1
41	Хонтепа (собиқ Тараққиёт)	5	1.1
42	Янги Бунёдобод	4	1.1
43	Янги Сергели	4	1.1
44	Юкори дархон	4	1.1
45	Зийнат	4	1.1
46	Зиёлилар (собиқ Файзли)	5	1.1

Xalq deputatlari Sergeli tuman
Kengashining
2023 yil 6 yanvardagi
II-76-2-14-201-K/23-son
qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган коэффициентлар

Тр	Маҳалла номи	Зона	2023 йил учун қўлланиладиган коэффициент миқдори
1	Асробод	5	1.1
2	Бирдамлик	5	1.1
3	Бунёдобод	4	1.1
4	Дарёбўйи	5	1.1
5	Эшонбулоқ (собиқ Соҳибкор)	5	1.1
6	Эски жалоир (собиқ Жалоир)	5	1.1
7	Эзгулик	4	1.1
8	Фароғатли (собиқ Хонобод)	5	1.1
9	Иттифок	4	1.1
10	Иззатли (собиқ Нурафшон)	5	1.1
11	Жўнариқ	4	1.1
12	Кенгмакон (собиқ Истиқлол)	5	1.1
13	Кўҳна қумариқ (собиқ Қумариқ)	5	1.1
14	Мададкор	4	1.1
15	Маданият	5	1.1
17	Меҳригиё	4	1.1
18	Нилуфар	4	1.1
19	Нўғайқўрғон	4	1.1
20	Номданак	5	1.1
21	Нурҳаёт	4	1.1
22	Олтин Водий	4	1.1
23	Ўзгариш	4	1.1
24	Қипчоқ	4	1.1
25	Қўшқўрғон	5	1.1
26	Қубайтепа	4	1.1
27	Қумариқ	5	1.1
28	Курувчилар	5	1.1
29	Қут-барака (собиқ Беларик)	4	1.1
30	Садоқат (собиқ Қушбеги)	5	1.1

31	Саховат	5	1.1
32	Софдил	4	1.1
33	Сохибқирон	4	1.1
34	Сўғдиёна	4	1.1
35	Султонобод (собиқ Қорасув)	5	1.1
36	Учувчилар	4	1.1
37	Хабибий	4	1.1
38	Халқабод	5	1.1
39	Хонобод	5	1.1
40	Хоноботепа	5	1.1
41	Хонтепа (собиқ Тараққиёт)	5	1.1
42	Янги Бунёдобод	4	1.1
43	Янги Сергели	4	1.1
44	Юкори дархон	4	1.1
45	Зийнат	4	1.1
46	Зиёлилар (собиқ Файзли)	5	1.1